
Янги Ўзбекистон: Фиқх илми соҳиби мероси эъзозда!

Жорий йилнинг 11 октябрь куни Тошкент шаҳрида жойлашган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТІКА)да Риштон туманида жойлашган Бурҳониддин ар-Рошидоний номидаги “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳини реконструкция ва реставрация қилиш бўйича музокара бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев, Риштон тумани ҳокими ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Абдуқаххор Жўрабоев ҳамда ТІКА раҳбарияти иштирок этишди. Музокаралар давомида “Al Hidoya” асари муаллифи Бурҳониддин ар-Рошидоний номидаги “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳи ҳудудида янги ва замонавий бино-ишоотлар қурилиши ва унинг негизида “Фиқх” илмий-амалий маркази ташкил этиш, зиёрат туризмни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қурилиш ва архитектура ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг қурилиш ишлари бошланишига келишиб олинди. Мазкур қурилиш ишларига тўлиқ чет эл инвестиция маблағлари сарфланиши режалаштирилган. Риштон тумани ҳокимлиги томонидан илгари сурилган ушбу таклиф жорий йилнинг 1-4 сентябрь кунлари Туркия Республикаси Ҳазначилик ва молия вазири Л. Элваннинг Ўзбекистон Республикасига амалга оширган ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умрзақов билан биргаликда Бурҳониддин ар-Рошидоний мақбарасини реконструкция қилиш бўйича келишувга эришилган эди.

2021-10-12 11:45:05